



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 24 yil « 18 » dekabr

№ 851

Toshkent sh.

### Темир йўл транспорти соҳасида давлат томонидан тартибга солинадиган ва бозор тамойиллари асосида кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2024 йил 21 февралдаги ПФ–37-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, темир йўл транспорти соҳасидаги давлат томонидан тартибга солинадиган ва бозор тамойиллари асосида кўрсатиладиган хизматлар турларини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2024 йил 21 февралдаги ПФ–37-сон Фармонида темир йўл транспорти соҳасида кўрсатиладиган барча хизматларни қамраб олган ҳолда давлат томонидан тартибга солинадиган ва бозор тамойилларига ўтадиган хизматлар турларини тасдиқлаш назарда тутилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

Темир йўл транспорти соҳасида давлат томонидан тартибга солинадиган хизматлар рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Темир йўл транспорти соҳасида бозор тамойиллари асосида кўрсатиладиган хизматлар рўйхати **2-иловага** мувофиқ;

Темир йўл транспорти соҳасида истеъмолчиларга бепул кўрсатиладиган хизматлар рўйхати **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “18” декабрдаги851-сон қарорига  
1-илова

**Темир йўл транспорти соҳасида давлат томонидан  
тартибга солинадиган хизматлар  
РЎЙХАТИ**

т/р	Хизматлар номи
1.	<b>Темир йўл транспортида йўловчиларни ташиш:</b> постани ва курьерлик жўнатмаларини темир йўл орқали ташиш; маҳаллий йўналишларда йўловчиларни ташиш ( <i>юқори тезликда ҳаракатланадиган ва тезюарар поездларда йўловчиларни ташиши бундан мустасно</i> ); шаҳар атрофи йўналишларида йўловчиларни ташиш.
2.	<b>Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси</b> ( <i>йўл хўжалиги, электр таъминоти, сигналлаштириш ва алоқа, ягона диспетчерлик маркази ва юк станциялари фаолиятини таъминлаш</i> ) <b>хизматлари:</b> йўловчиларни (маҳаллий, шаҳар атрофи йўналишларида) ташиш учун; маҳаллий йўналишларда юкларни ташиш учун.
3.	<b>Локомотивларни магистрал йўлларда тақдим этиш:</b> маҳаллий йўналишларда юкларни ташиш учун; маҳаллий ва шаҳар атрофи йўналишларида йўловчиларни ( <i>юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлардан ташқари</i> ) ташиш учун.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “18” декабрдаги 851-сон қарорига  
2-илова

**Темир йўл транспорти соҳасида бозор тамойиллари асосида  
кўрсатиладиган хизматлар  
РЎЙХАТИ**

T/p	Хизматлар номи
1.	<b>Темир йўл транспортида йўловчиларни ташиш:</b> юқори тезликда ҳаракатланадиган поездларда йўловчиларни ташиш; халқаро йўналишларда йўловчиларни ташиш; тезюар поездларда йўловчиларни ташиш.
2.	<b>Йўловчиларни ташишда кўрсатиладиган қўшимча хизматлар:</b> барча йўналишларда йўл ҳужжатларини расмийлаштириш; йўл давомида овқатланиш ( <i>кетринг</i> ); йўловчининг хохишига биноан бўш ўрин мавжуд бўлганда вагоннинг синфини ўзгартириш.
3.	<b>Вокзалларда йўловчилар ва кузатувчиларга кўрсатиладиган хизматлар:</b> темир йўл вокзаллари ва йўловчи поездларида реклама хизмати; багаж ва юк багажини қадоқлаш ҳамда сақлаш; “VIP” залдан фойдаланиш; “SIP” залдан фойдаланиш; “бизнес” залдан фойдаланиш; “комфорт” залдан фойдаланиш; “яшил йўлак” хизматидан фойдаланиш дам олиш хонасидан фойдаланиш; планшетда электрон қутубхона тақдим этиш; йўловчининг қўл юкини ташиш; темир йўл вокзаллари ҳудудидаги биноларни ижарага бериш; вокзалларда газета ва журналлар сотиш; йўловчининг юкини сақлаш; чипталарни уйга етказиб бериш; йўл давомида қадоқланган сув, қаҳва тақдим этиш; массаж креслосини тақдим этиш; сартарошхона ва бошқа майший хизматларни кўрсатиш; чиптаси бўлмаган йўловчиларга ҳожатхона хизматини кўрсатиш; багаж ва юк багаж ташиш.
4.	<b>Темир йўл транспортида юкларни ташиш:</b> юк вагонларини тақдим этиш; контейнерларни тақдим этиш; халқаро ( <i>импорт, экспорт ва транзит</i> ) қатновларда юк ташиш.

5.	<p><b>Юкларни ортиш ва тушириш ҳамда ташиш жараёнларида кўрсатиладиган қўшимча хизматлар:</b></p> <p>мижознинг буюртмасига кўра МДХ, Грузия, Латвия, Литва, Эстония ва учинчи давлатлар темир йўллари маъмуриятлари билан алоҳида шартларда экспорт ва импорт юкларни ташиш;</p> <p>мижознинг буюртмасига кўра давлат ичида алоҳида шартларда юкларни ташиш;</p> <p>мижознинг буюртмасига кўра вагоннинг эски ташиш хужжатлари бўйича манзилини ўзгартириш;</p> <p>мижознинг буюртмасига кўра вагоннинг янги ташиш хужжатлари бўйича манзилини ўзгартириш;</p> <p>мижознинг буюртмасига кўра вагонни йўлда ушлаб қолиш (манзилини ўзгартириш);</p> <p>мижознинг буюртмасига кўра халқаро ва ички қатновларда юк ортиш учун инвентарь вагонларга қўшимча режани ажратиш;</p> <p>мижознинг буюртмасига кўра халқаро ва маҳаллий йўналишда шахсий ва ижарага олинган вагонларни юклаш учун қўшимча режани ажратиш;</p> <p>мижознинг буюртмасига кўра бўш шахсий ва ижарага олинган вагонни жўнатиши учун қўшимча режага рухсатномани расмийлаштириш;</p> <p>барча темир йўл маъмуриятларига инвентарь паркига тегишли катта ҳажмли вагонларни танлаш ва улар билан таъминлаб бериш (29XXXXXX рақамланган ёпик вагонлардан ташқари), (барча темир йўлларни хатловдан ўтказиш) вагонларга эгалик қилувчи мамлакатга шошилинч қайтаришда бўшлигини текшириш;</p> <p>юк жўнатувчининг буюртмасига кўра барча темир йўл маъмуриятининг (29XXXXXX) рақамли инвентарь паркига тегишли катта ҳажмли вагонни танлаш ва таъминлаш;</p> <p>мижознинг буюртмасига кўра юcalaш ва тушириш станциясига бириклилган темир йўл инвентар вагонларида юкларни ташиш;</p> <p>юкларни ташиш учун қабул қилинганда ва топширишда юк эгаларининг буюртмасига кўра темир йўл вагон тарозиларида ёки шохобча йўл эгаси тарозисида юкнинг вазнини ўлчаш ва текшириш;</p> <p>вагонларни юк жўнатувчилар воситасида юcalaш пайтида уларнинг буюртмасига кўра уларнинг ҳисобидан вагонни темир йўл тамғалаш мосламалари ёрдамида тамғалаш, тамға ўрнатиши ва станцияларда ёпик турдаги вагонларни бурама сим билан боғлаш;</p> <p>умумий фойдаланиш жойларида, темир йўл ходимлари иштирокида ва (транспорт) воситаларида юк ортиш-тушириш операциялари ҳамда тегишли қўшимча хизматлар кўрсатиш (қадоқланган юклар, оғир вазнили юклар, сочма юклар, ёғоч, металл ва металл буюмлар);</p> <p>мижознинг буюртмасига кўра вагон ёки контейнер юкланган вагонларни улар томонидан кўрсатилган куннинг маълум вақтларида юcalaш ва тушириш учун қўйиб бериш;</p>
----	--

вагон ва контейнерни мижознинг буюртмасига кўра етказиб бериш муддати тугашидан олдин қидириш;

мижознинг буюртмасига кўра вагонларни тушириш ва бошқа мақсадлар учун темир йўл локомотивидан сиқилган ҳаво етказиб бериш;

мижознинг буюртмасига кўра вагонларни тушириш ва бошқа мақсадлар учун темир йўл станция қурилмаларидан (компрессор) сиқилган ҳаво етказиб бериш;

юк жўнатувчиларнинг буюртмасига кўра юкларни юлаш бўйича ўн кунлик талабномаларни муддатидан олдин бажариш учун вагонлар билан таъминлаш;

ташиш режаси кўрсатилган вагон турини, юк турини, жўнатиш станциясини ва станция манзили юк ташувчининг буюртмасига кўра ўзгартириш (локомотив харажатлари билан бирга);

жўнатувчининг буюртмасига кўра вагонлар ва контейнерларни юк ортиш учун тайёрлаш;

юк жўнатувчининг буюртмасига кўра амалдаги қоидаларда техник ортиш меъёри кўрсатилмаган юклар учун техник меъёларни ишлаб чиқиш ва ўрнатиш;

юк жўнатувчининг буюртмасига кўра амалдаги қоидаларда кўрсатилмаган юклар учун юкларни ортиш ва мустаҳкамлаш схемасини ишлаб чиқиш;

вагонларни тозалаш ва юк туширилгандан кейин деталлар (реквизит)ни олиб ташлаш;

мижознинг буюртмасига кўра кўрсатиладиган қўшимча хизматлар (юкларни мустаҳкамлаш, панелларни (шчит) ўрнатиш ва олиб ташлаш, эшик тўсиқлари, қадоқлаш);

мижознинг буюртмасига кўра темир йўл мутахассисининг жойларга чиқиб келиши;

юк декларациясини мижознинг буюртмасига асосан тўлдириш;

мижознинг буюртмасига кўра қўшимча режага мувофиқ МДХ, Грузия, Латвия, Литва ва Эстония ҳамда учинчи мамлакатларга экспорт ташишларни (АС Месплан электрон дастури орқали) бўйича мувофиқлаштириш;

мижознинг буюртмасига кўра қўшимча режага мувофиқ МДХ, Грузия, Латвия, Литва ва Эстония ҳамда учинчи мамлакатлардан импорт ташишларни (АС Месплан электрон дастури орқали) мувофиқлаштириш;

умумий фойдаланишда бўлмаган жойларга юлаш ва тушириш учун юборилган вагонларга бўр белгиларини кўйиш;

темир йўл билан вагонларни бериш ва олиш учун шартномаси йўқ, ўз шохобча темир йўлига эга бўлмаган мижознинг буюртмасига кўра шохобча йўлга вагонларни бериш ва олиш;

контрагент мижознинг буюртмасига кўра шохобча йўлининг ортиш ва тушириш жойига қўйиб бериш учун вагон танлаш ва ажратиш;

мижознинг буюртмасига кўра битта вагон(лар)ни бир шохобча йўлидан иккинчи шохобча йўлига бекат ичидан ташишларни ташкил этиш;

мижознинг буюртмасига кўра темир йўлга тааллуқли бўлмаган корхоналарга тегишли тарози асбобларини режали ва режадан ташқари техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва назорат текширувларини бажариш;

шохобча йўлининг йўл ўтиш жойларида жойлашган йўл ўтказгичларини (стрелка) (марказлаштирилган) темир йўл кучлари ва воситалари билан техник хизмат кўрсатиш;

шохобча йўлнинг йўл ўтиш жойларида жойлашган темир йўл кучлари ва воситалари билан, марказлаштирилмаган (кўлда) стрелка йўл ўтказгичларини техник хизмат кўрсатиш (бир маротаба бериш учун ва алоҳида битта олиш учун);

шохобча йўлида жойлашган темир йўл кесишимасидаги шлагбаум, дарвозаларни очиш ва ёпиш хизматини кўрсатиш (вагонларни бир маротаба бериш учун ва алоҳида бир маротаба олиш учун);

мижознинг буюртмасига кўра жўнаш ва келиш вақтини мувофиқлаштирган ҳолда юкларни ҳалқали маршрутларда ташиш;

мижознинг буюртмасига кўра юк операциялари учун очик бўлмаган станцияларда вагонларни бериш ва олиш;

поезд локомотиви ёрдамида вагонларни шохобча йўлларга бериш ва олиш;

мижознинг буюртмасига кўра юк жўнатувчилар (қабул қилувчилар)нинг шахсий ва ижарага олинган вагонларини темир йўлнинг умумий фойдаланиш йўлига жойлаштириш;

мижознинг буюртмасига кўра станциядан 0,5 км дан узокроқда жойлашган юк омборларида ёки бошқа умумий фойдаланиш жойларида юклаш ёки тушириш учун вагонларни етказиб бериш ва олиш;

юкларни вагонларда бепул сақлаш учун белгиланган меъёрлардан ортиқ миқдорда сақлаш;

юк эгасининг буюртмасига кўра станция ортиш ва тушириш йўлларида манёvr ишларини бажариш;

юкларни кўриқлаш хизмати;

ташувлардан сўнг ювилиши шарт бўлган юклардан бўшаган вагонларни ювиш хизмати учун;

ташиш ва бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқариш учун кетган сарф-харажатларга асосан ташиш ҳужжатларини иккинчи маротаба тақдим этиш;

мижознинг буюртмасига кўра юкни станциядан қабул қилувчининг омборига ва жўнатувчининг омборидан темир йўл станциясигача темир йўлнинг автомобиль транспорти орқали ёки бошқа ташкилотлар томонидан шартнома асосида юкларни етказиб бериш;

мижознинг буюртмасига кўра божхона органлари ва экспедиторлик ташкилотлари учун ташиш шартлари ва тўловлари тўғрисида маълумот бериш;

рўйхатга олиш картасининг иккинчи нусхасини тўлдириш ва юк ташиш режасини бажариш;

юк жўнатувчи учун контейнер ва вагонларга хавфли белгилар чизилган трафаретни ёпиштириш;

юк жўнатувчи ва қабул қилувчиларга тегишли ҳужжатлар нусхаларини иккинчи маротаба тақдим этиш;

юк жўнатувчи ва қабул қилувчилар буюртмасига кўра юкларни автомобиль ёки тиркама (ярим тиркамали) боғлаб қўйиш (ажратиш);

мижознинг буюртмасига кўра ташиш ҳужжатини тўлдириш (СМГС, ГУ-29, ГУ-29б);

юкларни келганлиги тўғрисида иккинчи маротаба хабар бериш (телефон, телеграф, кўлда етказиб бериш орқали);

юк қабул қилувчига уларнинг буюртмасига кўра юкларни қадоқлаш, ўраш, боғлаш ва тузатиш;

юк олувчи ва жўнатувчининг буюртмасига кўра темир йўлга хабар бериш. Юк олувчини аниқлаштириш, товарларни ташиш учун талабномани ўзгартириш, манзилини ўзгартириш (шахсий эҳтиёжлар учун ишлатиладиган товарлар бундан мустасно);

Тошғузар-Бойсун-Кумқўргон линияси иштирокида Тожикистонга/Тожикистондан ташишда;

конвенцион тақиқда туриб қолган хусусий ва ижарадаги бўш вагонларни вагон эгасига қайтаришда;

божхона терминаллари ва контейнер майдончалари хизматлари (юкларни ортиш ва тушириш);

шартнома бўйича Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хусусий (ижарага олинган) вагонларига хизмат кўрсатиш;

Қирғизистондан Афғонистонга юкларни цистерна вагонда ташиш;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар вагонларда контейнерларни Афғонистонга ташиш;

Тожикистон, Туркманистон, Афғонистонга транзит юкларни ташишда божхона кўригидан (уй-рўзгор буюмларини ташишдан ташқари) ўтказиш;

Афғонистондан экспорт қилинадиган товарларни божхона кўригидан ўтказиш пайтида юклаш-тушириш хизматлари;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хусусий, ижарага олинган вагонларини қайтариш;

“транзит декларация”ни расмийлаштириш учун божхона органларига электрон шаклда маълумотларни жўнатиш;

Термиз-порт станциясида халқаро ташуввларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг норезидент мижозларига станция хизматларини кўрсатиш;

	<p>Афғонистондан Ғалаба ва Термиз чегара ўтиш станциялари орқали юкланган вагон ёки контейнерда ташишда юк хатини расмийлаштириш; Термиз логистика марказида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитда олиб ўтиладиган (Ғалаба чегара станцияси орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган) тижорат юкларини божхона кўригидан ўтказишда юклаш-тушириш операциялари ва у билан боғлиқ бошқа операцияларни амалга ошириш.</p>
6.	<p><b>Вагонларни шохобча йўлларига қўйиб бериш ва олиб чиқиш хизматлари:</b></p> <p>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖга тегишли локомотив билан умумий фойдаланишда бўлмаган шохобча йўлларга (темир йўл линияси шохобча йўл эгасига тегишли бўлган);</p> <p>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖга тегишли локомотив билан умумий фойдаланишда бўлмаган шохобча йўлларга (темир йўл линияси “УТИЙ” АЖга тегишли бўлган);</p> <p>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖга тегишли бўлмаган локомотивларда, темир йўл линияси “УТИЙ” АЖга тегишли бўлган умумий фойдаланишда бўлмаган шохобча йўлларга (темир йўл линияси “УТИЙ” АЖга тегишли бўлган).</p>
7.	<p><b>“Ўзтемирийўлконтейнер” АЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар</b> (логистика марказларида ортиш-тушириш ишлари):</p> <p>универсал контейнерларни;</p> <p>қадоқланган юкларни;</p> <p>офир юкларни;</p> <p>сочиувчан юкларни;</p> <p>ёғоч-тахта юкларни;</p> <p>металл ва металл буюм юкларни;</p> <p>дон маҳсулотлари ва сабзавотларни.</p> <p><b>Тижорат операциялари учун хизматлар:</b></p> <p>ўрта тоннажли контейнерларни бир маротаба жўнатиш учун юклаш режасини ажратиш;</p> <p>Тошкент, Сергели, Чукурсой логистика марказларида катта тоннажли контейнерларни бир маротаба жўнатиш учун юклаш режасини ажратиш;</p> <p>вагонни ёки контейнерни “Ўзтемирийўлконтейнер” АЖ айланма (тўқима) темир муҳрлар билан муҳрлаш;</p> <p>юкларни катта ва ўрта тоннали контейнерларга юклаш қоидалари бўйича юк жўнатувчиларга маслаҳат бериш;</p> <p>юк қабул қилувчиларни Тошкент, Сергели, Чукурсой логистика марказларида ташқари юк келганлиги ҳақида телефон орқали хабардор қилиш;</p> <p>Тошкент, Сергели, Чукурсой логистика марказларида юк келганлиги ҳақида юк қабул қилувчиларни телеграф ва оғзаки орқали хабардор қилиш;</p>

	<p>логистика марказларида 20 ва 40 футли контейнерни сақлаш; омборхоналарда (бóжхона омборларидан ташқари) қадоқланган юкни сақлаш;</p> <p>“Ўзтемирийўлконтейнер” АЖ ходимлари томонидан битта вагони тозалаш;</p> <p>контейнер майдонларида уй-рўзғор буюмларига мўлжалланган контейнерлар эшик қисмларини ўраш (қадоқлаш).</p>
8.	<p><b>“Темирийўлкарго” АЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар:</b></p> <p>вагонлардан фойдаланиш;</p> <p>вагонни юк ортиш ва тушириш жойи (фронти)га қўйиш;</p> <p>юкларни тушириш учун вагонни баланд йўлга қўйиш;</p> <p>автотранспорт воситасини юк билан кириб чиқиш;</p> <p>бўш автотранспортни юк ортиш учун кириб чиқиш;</p> <p>кранда юк ортиш ва тушириш;</p> <p>юкни очик омборда сақлаш хизмати;</p> <p>юкни ёпиқ омборда сақлаш хизмати;</p> <p>юкни хусусий вагонда сақлаш;</p> <p>юкни автотранспортда сақлаш;</p> <p>тарози хизматидан фойдаланиш;</p> <p>транспорт-экспедиторлик хизматлари.</p>

\*1- ва 3-иловаларга киритилмаган хизмат турлари бозор тамоилилари асосида кўрсатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2024 йил “18” декабрдаги 851-сон қарорига  
3-илова

**Темир йўл транспорти соҳасида истеъмолчиларга  
бепул кўрсатиладиган хизматлар  
РЎЙХАТИ**

T/p	Хизматлар номи
1.	Аравача тақдим этиш хизмати
2.	Чиптаси бўлган йўловчиларга ҳожатхоналарда бўлиш
3.	Она ва бола хонасидан фойдаланиш
4.	Кутиш залида Wi-Fi интернет жаҳон ахборот тармоғи хизмати
5.	Тиббий ёрдам пункти хизматлари
6.	Ногиронлар учун аравача
7.	Йўл давомида телефон ва ноутбукларни қувватлаш хизмати
8.	Кутубхона
9.	Йўл давомида чой, ичимлик суви, шакар (оқ қанд) тақдим этиш

